*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 29 июль
ЖУМА
№ 172 (4.368).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.



Олтиариқ районидаги «Иттифоқ» колхозининг Тожибой Абдураҳимов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил гектаридан 35 центнердан оқ олтин етиштиришга қарор қилишган. Айни кезларда 82 гектар майдонда ғўзалар меҳр билан парваришланаяпти. Ҳозиргача олти марта комплекс ишловдан чиқарилган, уч бор озиқлантирилиб, шунча марта суғорилган ниҳоллар баравж ўсмоқда. Ҳар тупда 2—4 та тўқ кўсак, 11—13 та гул ва шона санаш мумкин.

СУРАТДА: бригаданинг илғор аъзолари Ҳафиза Каримова (чапдан), Маҳбуба Ғойибова ва Одина Даминова пайкалда

Ҳ. МЕЛИБОЕВ фотоси.

## ПУДРАТ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Совхозимизда ишчи кучи кам. Бригадалар пудратга ўтгач, меҳнат унумдорлиги ортди, иш сифати яхшиланди. Муҳими, ҳар ким ўзини ернинг ҳақиқий хўжайини деб ҳисобламоқда. Агар 1986 йилда хўжаликда 115 та оилавий пудрат ташкил этилган бўлса, бу йил жами майдон 254 пудратчига тақсимлаб берилди. Бунинг самараси кўзга яққол ташланмоқда: ғўзалар баравж, серҳосил, ҳар тупда беш-олтитадан бўлиқ кўсак бор. Сабаби аён: пудратчиларимиз масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда омилкорлик билан экинга ишлов бермоқдалар. Чопиқ, суғориш, культивация бир-бирига боғлаб ўтказилаяпти. Парваришда энг яхши кўрсаткичга эришган коллективлар ҳар ўн кунда совхоз маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотларининг мукофотлари билан тақдирланмоқда. Ғолибларни аниқлашда ўн кишидан иборат сифат комиссияси хулосаси инобатга олинади. Навбатдаги текширишда 3-бўлимдан Х. Чўттибоев, М. Исҳоқов ва Ю. Низомиддинов, 4-бўлимдан У. Қамбаров бошлиқ бригадаларда ниҳоллар оби-тобида парвариш қилинаётгани маълум бўлди. Бу коллективларга кўчма Қизил байроқ ва қимматбаҳо буюмлар топширилди.

Биз бу йил дала юмушларини имкони борича ёрдамчиларсиз амалга ошираяпмиз. Ўтган йили уларга 34 минг сўм пул сарфланганди, жорий йилда бу харажат иқтисод қилинмоқда. Пахтакорларимиз заҳарли дорилардан фойдаланишдан ҳам воз кечишди. Кўсак қурти, ўргимчаккана ва бошқа ҳашаротларга қарши биологик усул қўлланилаяпти. Бу ҳам иқтисодий наф келтираётир.

Совхоз маъмурияти, партия ташкилоти ғўза парваришини 10 сентябргача давом эттириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқишган. Улар изчил амалга оширилаяпти. Айни пайтда йиғим-теримга астойдил тайёргарлик кўрилмоқда. Пахта териш машиналари аллақачон тайёрлов чизиғига келтириб қўйилган. Ҳозирги кунда хирмонжойлар тартибга келтирилаяпти, йўллар созланмоқда. Мақсад конференция йилида ялпи ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда саранжомлаш.

**М. ОРТИҚОВ,**
**Ўзбекистон районидаги «Қолгандарё» совхозининг бош агрономи.**

## СУВЧИЛАР

Кун бўйи борлиққа олов пуркаган қуёш адл мирзатераклар ортига яширинди. Унинг ёғдуси эгатларда, сершох ғўза туплари узра ўйнарди. Пайкал оралаб келаётган эллик ёшлардаги, ўрта бўйли киши ногоҳ ўқариқ бошида тўхтади. Кетмонини ерга қўйди-да, белбоғига қистирилган қоғоздан олиб сув йўлини маҳкамлади: ариқ четини текислаб сувади. У қаддини ростлаганида, рўбарўсида ҳамкасби Раҳимжон Нурматов турарди.

— Ҳорманг, Абдуғаффор ака, — деди у. — Ишингиз пишиқ-да жуда! Деворни пардозлагандек расамадини келтирибсиз.

Шеригининг ҳазилига Абдуғаффор ака жиддий жавоб қайтарди:

— Сизга айтсам, ука, ишни пухта одам доғда қолмайди. Кейинги пушаймон — ўзингга душман деганлар. Ярим кечада тошфонар кўтариб сув беркитгандан кўра ҳозир кўнгилни хотиржам қилиб қўйганга нима етсин!

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва руҳий дунёси бамисоли ўқилмаган китоб. Вақт ўтган сайин энг яқин одамлардан ҳам янги-янги хислатларни кашф қилаверасиз. Мана Раҳимжон ҳам ёш эмас, қирқни қоралаяпти. Ҳарбий хизматни ҳисобга олмаганда бутун умри пахтазор билан боғлиқ. Абдуғаффор аканинг ўзи билан бир бригадада ёнма-ён ишлаётганига ҳам йигирма йил тўлди, ҳамон ўзи билмаган, билишга улгурмаган деҳқончилик сирларини ундан ўрганади. Лекин бунинг учун асло афсусланмайди. Ота-бобоси ишини давом эттириб кам бўлгани йўқ.

Абдуғаффор Раҳимов номини Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг Абдураҳмон Иброҳимов бошлиқ бригадасида каттаю кичик ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. У ўттиз икки йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Гоҳида Раҳимжон сингари шогирдлари (улар ўндан зиёд):

— Абдуғаффор ака, кетмонингизнинг сеҳри борми, қулоқни очиб қатор оралаб юришингиз биланоқ ортингиздан сув ип боғлагандек эргашади, — дея ҳазиллашади.

Шунда Абдуғаффор ака ҳам уларнинг гап оҳангига мослаб:

— Сеҳри-ку йўқ, лекин карталарнинг паст-баланди менга беш бармоғимдек аён. Қайси пайкалга сув қайси томондан тaралса, иш осон кўчишини биламан, — деб жавоб қайтаради.

...Шийпонда чироқ ёнди. Қаердадир чигирткалар басма-басига чириллашга тушди. Раҳимжонга бириктилган 8 гектар майдоннинг этак қисми нишаб бўлиб, кўпинча сув тўпланиб қоларди. Бунинг олдини олиш учун нима қилиши керак? У ҳозир устози ҳузурига маслаҳатга келганди. Жўяли фикр олгандан сўнг изига қайтди.

Абдуғаффор ака ёлғиз қолгач, оқшом пардасига бурканаётган далаларга ўйчан тикилди. Ҳа, кексалар: «Ғўза кун санайди, деҳқон меҳрини синайди» деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқий пахтакор ғўза билан тиллашганда, унга меҳрини бағишлагандагина мўлжалдаги ҳосилга эга бўлади. Бригадада ниҳолларнинг ривожи яхши, чеканкалаш тугалланмоқда. Ҳозирдаёқ ҳар тупда 5—6 тадан бўлиқ кўсак бор. Агар суръат бўшаштирилмаса, жорий йилда 84 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан зиммага олинган юксак мажбурият албатта бажарилади. Буниси кўпроқ уларга, яъни сувчиларга боғлиқ.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ.**

## АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ҚИМНИНГ ДАЛАСИ ЯХШИРОҚ?

**Чироқчи районининг «Москва» совхози далаларидаги ғўзалар яхши бўлса-да, деҳқонлар Сурхондарё областидан келган ҳамкасбларидан кўпгина қимматли маслаҳатларни олдилар.**

**Ғўза тупларини механизмлар ёрдамида чеканка қилишни қай тарзда самаралироқ туғаллаш кераклиги ҳақидаги маслаҳат— шулардан бирдир. Шўрчи районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Б. Ражабов ва «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Сурхондарё филиалининг директори А. Авлиёқулов шу ҳақда сўзлаб бердилар.**

**Қўшни областдан келган текширувчилар «Коммуна» колхози, Охунбобоев номли совхоз далаларида ҳам бўлдилар. Улар бу ердаги ғўзалар ҳам дуруст ривожланаётганини, тупларда ҳозирдаёқ 7 та ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил нишонлари борлигини қайд этиб ўтдилар. Аммо камчиликлар ҳам бор. Ана шу камчиликлар бартараф этилгандагина белгиланган планларни муваффақиятли бажариш мумкин.**

**Мусобақадош дўстлар Қашқадарё областининг бошқа хўжаликларида ҳам бўлиб, меҳнатнинг ташкил этилиши, хўжалик ҳисобидаги энг яхши коллективларнинг тажрибаси билан қизиқдилар.**

### ХОРАЗМ АСАЛИ

**Кекса асаларичи А. Абдуллаев ихтисослаштирилган «Урганч» совхозида ҳаммадан кўпроқ асал олмоқда. Шу долзарб кунларда у ҳар бир асалари уясидан олаётган ҳушбўй маҳсулот 30 килограммгача бормоқда. Бу эса пландагидан бир ярим баравар кўпдир. Хўжаликнинг бошқа асаларичилари ҳам юксак натижаларга эришмоқдалар.**

**Ҳозирги пайтда асаларичилик Хоразм воҳасида етакчи тармоқларнинг бирига айланган. Ўтган йилнинг ўзидагина Янгиариқ ва Янгибозор районларида яна иккита асаларичилик совхози пайдо бўлди. Эндиликда область паррандачилик бирлашмаси составида ўнта хўжалик бор. Область асаларичилари беш йилликнинг учинчи йилида камида 450 тонна жуда қимматли озиқ-овқат маҳсулоти етиштиришга қарор бердилар.**

**Бирлашма мутахассислари асал йиғиш билан бирга гулчанг, асалари елими ва шу кабиларни ҳам йиғмоқдалар. Шаҳарларда ва район марказларида уларни сотувчи махсус магазинлар пайдо бўлди. Ҳозир областдаги кўпгина корхоналар ва ташкилотлар, колхоз ва совхозда асалари уяларини кўпайтириб ўз ходимларини асал билан таъминламоқдалар.**

(ЎзТАГ).

## М. С. ГОРБАЧЕВ «Заря» пойафзал бирлашмасига борди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 27 июль куни Москвадаги «Заря» саноат-савдо пойафзал бирлашмасига борди. Халқ истеъмол молларини кўпайтириш программасини амалга ошириш планларида унинг коллективи янги иш усулларини ишлаб чиқишда, буюмларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини оширишда катта роль ўйнайди. Бирлашма таркибида 8 та пойафзал корхонаси бўлиб, унинг 4 таси Москвада жойлашган.

Бирлашма бош директори А. А. Никитин, партком секретари Л. М. Шепилова, меҳнат коллективи кенгашининг раиси В. В. Бортников билан суҳбатда Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорлари асосидаги ишларимиз, хўжалик ҳисоби шароитида, ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш шароитларида ишлар қандай бораётганлиги ҳақида батафсил гаплашиб олинди.

Бош корхона — «Парижская коммуна» фабрикасида қисқа вақт ичида ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга, харидорларнинг талабларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш манфаатлари билан савдо манфаатларини бирлаштиришга муваффақ бўлинди. Бирлашма ҳар йили маҳсулот турларининг қарийб 80 процентини янгилайди, тайёр маҳсулотларни ўз магазинлари тармоғи орқали сотади, пойафзал янги намуналари моделларини тайёрлайди, у социалистик ҳамда капиталистик мамлакатлар корхоналари билан амалий алоқалар боғлаган. Катта фойда олаётган бирлашма пойафзал сифатини яхшилаш ва унинг турларини кўпайтириш мақсадида ўзига хом ашё етказиб берувчилар учун маблағлар ажратади.

М. С. Горбачев коллективда меҳнат ва турмуш қандай йўлга қўйилганлиги, янги технологияларни жорий этиш муносабати билан ишчилар малакасини ошириш қандай ташкил этилганлиги, бозор ва мода қандай ўрганилаётганлиги, маҳсулотнинг рақобат қобилияти қандай таъминланганлиги, энг яхши янги моделлар қандай оммалаштирилаётганлиги билан батафсил қизиқди.

Меҳнат унумдорлиги жиҳатидан, деди М. С. Горбачев, сизнинг корхонангиз тармоқда олдинги ўринлардан бирида туради, лекин маҳсулот сифати, турлари жиҳатидан эса, ҳали камчиликларингиз бор.

Корхонанинг ҳар бир участкасида ишлаб чиқариш манфаатлари билан ишчиларнинг манфаатлари бирлиги таъминланиши учун цехларда хўжалик ҳисобини жорий этишга, янги даражага чиқиб олиш ва бундан буён ортда қолмаслик учун фан-техника тараққиётининг муфассал планларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Барча раҳбарлар ва жамоат ташкилотлари, деб таъкидлади М. С. Горбачев, социал-маиший масалалар ҳақида, уй-жой ва социал инфраструктуранинг бошқа объектлари қурилишини жадаллаштириш тўғрисида кўпроқ қайғуришлари лозим. Инсонга нисбатан яхши муносабатда бўлиш — энг муҳим талабдир. Биз хўжалик ҳисобини демократия билан уйғунлаштириб турмушимиз барча томонларини янгилаш вазифаларини мумкин қадар тезроқ ҳал этишни, қайта қуриш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва авж олдиришни таъминлаймиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари бичиқчилик цехида, заготовкалар тайёрланадиган линияда, моделли пойафзаллар цехида бўлди. Ишлаб чиқариш билан танишув давомида ишчилар билан кўпдан-кўп учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Шу нарса таъкидландики, мазкур фабриканинг тажрибаси пойафзал сифати проблемасини ҳал этиш ва бозорни керакли маҳсулотлар билан тўлдириш йўлларини кўрсатиб турибди. Бу маҳсулотларга аҳолининг эҳтиёжи катта. Умуман, олганда эса, шу нарса пойафзалчиларимиз ишидаги танг жой бўлиб қолмоқда. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган пойафзал миқдори жиҳатидан биз дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз, лекин сифатсиз пойафзал жуда кўплиги сабабли бу проблема ҳамон ўткирлигича қолмоқда.

Шундан сўнг М. С. Горбачев Г. В. Муханов номли фабрикага борди. Фабрика 1987 йилнинг май ойида Италия технологияси асосида қуриб битказилиб, тайёр ҳолда фойдаланишга топширилган эди. Фабрика аёллар, эркаклар ва болалар оёқ кийимларининг алоҳида модали турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. У йилига 2 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқариш жараёни шундай йўлга қўйилганки, бир моделдан иккинчисига, бир турдаги пойафзалдан иккинчи турдаги пойафзални ишлаб чиқаришга тез ўтиб олиш мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ишлаб чиқариш линияларини кўздан кечирди, ишлаб чиқариш юксак маданиятини ҳамда замонавий меҳнат шароитларини қайд этиб ўтди. Бу — пойафзал корхоналарини модернизациялашда яхши намунадир.

М. С. Горбачев мажлислар залида фабриканинг ишчи ва мутахассислари билан учрашди. М. С. Горбачев уларга мурожаат қилиб, аёллар учун ҳам, ёшлар учун ҳам, болалар учун ҳам юксак сифатли хилма-хил пойафзал ишлаб чиқаришни янада тез кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Марказий Комитетнинг бўлажак пленумида бошқа проблемалар қатори халқ учун товарлар ҳақидаги, бу проблемани ҳал этишда барча резервларимиз ва имкониятларимиздан фойдаланишимиз ҳақидаги масала қатъий қилиб қўйилишини айтди. Бу тармоқ амалда эътибордан четда қолиб кетганлиги ҳаммага маълум. Ҳозир ана шу иш ўнгланмоқда. Уни ривожлантириш учун ҳамма ердан ресурслар олмоқдамиз, қолоқликни тезроқ бартараф этиш учун бу ишга мудофаа саноати корхоналарини ҳам жалб этдик.

Қайта қуриш, деб сўзида давом этди М. С. Горбачев, — ишга муносабатнинг ўзгаришидир. Бу — виждонан меҳнат қилишдир. Мана сиз, ўртоқлар, ўз маҳсулотингизнинг истеъмолчиси сифатида, ўзингиз сотиб олган пойафзалнинг пошнаси кўчиб кетса нима қилган бўлар эдингиз? Айбдорни тезроқ топиб олсангиз керак? (Кулги) Ҳар бир киши ўз иш ўрнида ўзига худди ана шундай талабчанлик билан муносабатда бўлиши лозим.

Турмуш масалалари ҳам тилга олинди. Мен ҳозиргина «Парижская коммуна» фабрикасида ишлаётган аёлларнинг бири билан суҳбатлашдим, — деди М. С. Горбачев. Бу аёл озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳар куни икки соат, баъзида ҳатто уч соат вақт сарфлаётганидан шикоят қилди. Бунинг сабаби навбат кутиб узоқ туриб қолишдир. Ҳатто эркин савдода бўлган нарсаларга ҳам навбат кутиб қолинмоқда. Савдо майдонларининг етишмаслиги проблемаларнинг биридир. Шу сабабли турли идораларни қисқартириш, бўшаб қолган майдонларни хизмат соҳасига бериш керак.

Сиз, деб сўзида давом этди М. С. Горбачев, — Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ишини кузатиш имкониятига эга бўлдингиз. Ҳозир биз партияда ҳам, Советларда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам, фанда ҳам — хуллас ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ишларга янгича ёндашмоқдамиз. Биз сиз билан биргаликда келажагимизнинг пойдеворини қўймоқдамиз. Бизда, экономикада ҳам, социал соҳада ҳам демократияни ривожлантиришда ҳам қайта қуришдан бошқа йўл йўқ. Ошкоралик қайта қуришнинг энг муҳим омилидир. Халқ ҳамма нарсани билиши керак. Биз энди камчиликларимизни йиғиб қўйишимиз мумкин эмас. Баъзиларнинг қанчалик жаҳллари чиқмасин, кимнидир хафа қилиб қўйишдан қўрқмай ошкора гапираяпмиз.

Шунинг учун ҳам қайта қуриш йўлидан дадил бораверингиз, кўрсатмаларни кутиб ўтирмай ўзингиз ишларни бажараверингиз, ўзингиз ҳаракат қилингиз. Ишчилар синфи — қайта қуришнинг асосий таянчидир.

Залдан овозлар: биз ҳаммамиз қайта қуриш тарафдоримиз. Биз барча зарур ишларни қилаверамиз.

М. С. Горбачев фабрикадан чиқаверишда москваликларнинг бир группаси — Красногвардейск район аҳолиси билан учрашди. Улар аҳолини сабзавот ва мева билан таъминлашга алоқадор бир қанча танқидий мулоҳазаларини айтдилар.

Бу соҳа, деб уқтирди Михаил Сергеевич, шаҳарнинг эски районларида ҳам, янги районларида ҳам аввалгидек орқада қолмоқда. Биз буни биламиз ва Москва ташкилотлари ҳозир қўшимча чора-тадбирлар кўришмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ана шу барча камчиликларга қарамай қайта қуриш тобора жадаллашмоқда. Барчамиз КПСС XXVII съезди, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини бажариш учун актив ҳаракат қилишимиз лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитети секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков М. С. Горбачев билан бирга бўлди.

(ТАСС).

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УРУГВАЙДА

**МОНТЕВИДЕО,** 28 июль. (ТАСС). Уругвай Шарқий Республикасининг президенти Хулио Мариа Сангинетти бу ерга расмий визити билан келган СССР Олий Совети делегациясига бошчилик қилаётган СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари П. Қ. Ҳабибуллаевни қабул қилди.

П. Қ. Ҳабибуллаев Х. М. Сангинеттига СССР Олий Совети Президиумининг мактубини топширди.

Учрашувда СССР билан Уругвайнинг тарихий хусусиятларини, уларнинг бошқа давлатлар билан алоқаларини тўла тушуниб етган ҳолда туб муаммолар ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан икки мамлакат раҳбарлари ўртасида қарор топган чуқур мулоқот давом эттирилди. Суҳбат чоғида регионал муаммолар, энг аввало Лотин Америкаси муаммоларига ҳам батафсил тўхтаб ўтилди.

Совет—Уругвай икки томонлама муносабатлари масалаларининг муҳокама қилиниши бу муносабатлар ижобий ривожи динамикасини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу йилнинг март ойида президент Х. М. Сангинетти билан Москвадаги учрашуви чоғида асос солинган йўлни давом эттиришга ҳар икки томоннинг самимий истакларини акс эттирди.

* * *

СССР Олий Совети делегацияси 27 июль куни Уругвай вице-президенти, бош ассамблея (парламент) ва сенатнинг раиси Энрике Тариго билан учрашди. Сўнгра делегация вакиллар палатасининг раиси Эрнесто Аморино Ларраньяго билан учрашди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатларда Уругвай парламенти иккала палатасининг раислари Совет Иттифоқидаги ўзгаришлар жараёнига катта қизиқиш билдирдилар ва бу ўзгаришларга юксак баҳо бердилар.

Суҳбатларда халқаро муносабатларни қайта қуриш юзасидан самарали фикр алмашиш катта ўрин тутди. Жаҳоншумул муаммолар билан бир қаторда регионал можаролар — Афғонистондаги, Эрон билан Ироқ ўртасидаги, Марказий Америкадаги можаролар муҳокама қилинди. Томонлар барча масалаларни фақат тинч йўл билан ҳал қилишни ёқладилар.

Суҳбатларда парламент йўли билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, бу алоқаларнинг янги шаклларидан, хусусан парламентлар доимий комиссиялари ўртасидаги алоқалардан, ўзаро танишиш учун бир-бирларига депутатлар группаларини юборишдан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

*СССР Олий Совети Президиумининг фармони*

## СССРда ЙИҒИЛИШЛАР, МИТИНГЛАР, КЎЧА ЮРИШЛАРИ ВА НАМОЙИШЛАРИ УЮШТИРИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Конституцияси халқнинг манфаатларини кўзлаб ҳамда социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида СССР гражданларининг йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ўтказиш эркинлигини гарантиялайди. Шу сиёсий эркинликларни амалга ошириш меҳнаткашларга ва уларнинг ташкилотларига жамоат биноларини, кўчаларни, майдонлар ва бошқа жойларни бериб қўйиш билан таъминланади.

СССР Олий Совети Президиуми йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари уюштириш ҳамда ўтказиш тартибини йўлга қўйиш мақсадида **қарор қилади:**

1. Йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиши ўтказиш тўғрисида тегишли халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитетига ариза берилади.

Йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиши ўтказиш тўғрисидаги ариза билан корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг, кооператив ташкилотлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг органлари, жамоат ҳаваскорлиги органлари ва гражданларнинг айрим группалари вакил қилган ўн саккиз ёшга етган кишилар мурожаат этишлари мумкин.

2. Йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиши ўтказиш тўғрисидаги ариза уларни ўтказиш белгиланган муддатдан кечи билан ўн кун аввал ёзма тарзда берилади. Аризада тадбир ўтказиш мақсади, формаси, жойи ёки ҳаракат маршрутлари, унинг бошланиш ва тугаш вақти, тахминан қанча киши қатнашиши, вакиллар (ташкилотчилар)нинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исмлари, уларнинг яшаш ва ишлаш (ўқиш) жойи ариза берилган вақт кўрсатилади.

3. Халқ депутатлари Советининг ижроия комитети аризани кўриб чиқиб, қабул этилган қарорни аризада кўрсатилган тадбир ўтказиш вақтидан кечи билан беш кун аввал вакилларга (ташкилотчиларга) хабар қилади. Ижроия комитет зарурат туғилган тақдирда ариза билан мурожаат этган кишиларга тадбирни ўтказишнинг бошқа вақти ва жойини таклиф қилишга ҳақлидир. Қарор хусусида амалдаги қонунларда белгиланган тартибда юқори ижроия ва бошқарув органига шикоят қилиш мумкин.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитети йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиши ўтказиш учун зарур шароитни таъминлайди.

4. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари аризада кўрсатилган мақсадларга мувофиқ, шунингдек белгиланган муддатларда ва келишилган жойда ўтказилади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишларини ўтказиш пайтида вакиллар (ташкилотчилар), шунингдек бошқа қатнашчилар совет қонунларига, жамоат тартибига риоя этишга мажбурдирлар. Қатнашчиларнинг ёнларида қурол олиб юришлари, шунингдек одамларнинг ҳаётига ва соғлиғига қарши, давлат, жамоат ташкилотларига ва гражданларга моддий зиён етказиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган махсус тайёрланган ёки мосланган предметларни олиб юришлари тақиқланади.

5. Давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, шунингдек гражданлар белгиланган тартибга риоя этиб ўтказилаётган йиғилишларга, митингларга, кўча юришлари ва намойишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар.

6. Халқ депутатлари Советининг ижроия комитети СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституцияларига зид келадиган ёки жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига таҳлика соладиган мақсадда ўтказиладиган йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойишини тақиқлаб қўяди.

7. Башарти ариза берилмаган, тақиқлаш, ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, шунингдек ушбу фармоннинг 4-моддасида кўзда тутилган ўтказиш тартиби бузилган, гражданларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғилган, жамоат тартиби бузилган тақдирда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишлари ҳокимият органлари вакилларининг талабига биноан тўхтатилиши лозим.

8. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари уюштириш ва ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган шахслар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ўтказиш вақтида уларнинг қатнашчилари томонидан давлатга, кооператив, бошқа жамоат ташкилотларига ва гражданларга етказилган моддий зарар қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

9. Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумлари, халқ депутатлари ўлка, область, округ, район ва шаҳар Советлари маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституциялари асосида ва ушбу фармоннинг талабларига биноан йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ўтказиш тартибини қўшимча равишда белгилаб беришлари мумкин.

10. Йиғилишлар ва митинглар уюштириш ҳамда ўтказишнинг ушбу фармонда белгиланган тартиби меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг қонунларга, ўз уставларига ва низомларига мувофиқ ўтказадиган йиғилиш ва митингларига жорий этилмайди.

**СССР Олий Совети Президиумининг раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль,
1988 йил 28 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ М. А. ЗОИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Мирғиёс Аббосович Зоидов Ўзбекистон ССР халқ таълими министри этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси**
**П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1988 йил 28 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ Н. Е. ҒОИБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Наим Ёвқочевич Ғоибов Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси**
**П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1988 йил 28 июль.

## ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

### «СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ»

Ворошилов районидаги Карл Маркс номли колхознинг Б. Маматқулов бошлиқ бригада заршунослари ғўза парваришини уюшқоқлик билан олиб боришаяпти. Агротехник тадбирларни сифатли амалга оширишда тажрибали механизатор Даврон Бобоев кўпчиликка намуна. Ёш сувчилар Эркин ва Шавкат Маматқулов ҳам бўш келишмаяпти. Улар оби ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиб, ғўзаларни кунда бир яшнатишаяпти.

Уста деҳқонлар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун мажбуриятга тузатиш киритдилар. Ниятлари — бу йил ҳар гектар ердан камида 32 центнердан оқ олтин йиғиштириб олиш. Мақсадга эришишда социалистик мусобақа муҳим омил бўлаяпти. Бригада аъзолари бу йил Г. Борода бошлиқ коллективни беллашувга чақирдилар. Айни кунларда суғориш, қатор ораларига ишлов бериш, ориқ ерларга маҳаллий ўғит солиш оби-тобида бораяпти.

— Биз ҳам оилавий пудратни жорий қилишга киришдик, — дейди бригада бошлиғи, — 70 гектар пахта майдони 18 оилага бириктилган. Улар саратон жазирамасига дош бериб, чинакам фидойилик кўрсатишаяпти. Ўттиз уч йил механизаторлик қилиб, мўл, арзон ва сифатли пахта етиштириш ҳадини олган Миср Маматқулов ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатаяпти.

### «ЛЕНИН ЙЎЛИ»

(Самарқанд области)

Бухоро областида истиқомат қилувчи тожик ўқувчилари бу йилдан бошлаб она тилида ўқийдилар. Ромитан, Шофиркон, Коғон, Пешку районларининг бир қанча мактабларида тожик тилида ўқитиладиган синфлар очилмоқда. Оржоникидзе номли Бухоро педагогика институти қошида эса тожик-форс филологияси факультети иш бошлайди. Бу ерда мактаблар учун малакали мутахассислар тайёрланади.

Буларнинг ҳаммаси область партия комитети ижодий ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ёш авлодни интернационал руҳда тарбиялаш юзасидан ишлаб чиққан махсус тадбирларнинг дебочасидир. Эндиликда областда истиқомат қилаётган тожиклар учун район газеталарида махсус саҳифалар тайёрланади. Маҳаллий радио эшиттиришлар ўзбек ва тожик тилларида берилади. Яқинда эса Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Бухоро бўлими қошида тожик адабиёти секцияси очилди.

### «КОММУНА»

(Андижон области)

Бундан уч-тўрт йил муқаддам Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхозда чорвачилик оқсаб қолди. Кўзбўямачилик, ўзибўларчилик оқибатида тармоқдан катта иқтисодий зарар кўрилди. Колхоз правлениеси, партия комитети сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб, қолоқликка чек қўйиш учун барча имкониятларни ишга солди. Фермага малакали кадрлар таклиф этилди. Иш жараёнлари механизация зиммасига юкланди. Мусобақанинг оммавийлиги ва ошкоралиги таъминланди. Ҳал қилувчи дамларда зоотехник Раҳмонали Мамадалиев зўр омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатди. Инсон омилига эътибор кучайди. Ён-атроф ободонлаштирилиб, сўлим масканга айланди, янги боғча иш бошлади. Шубҳасиз, чорвачиликни ривожлантиришнинг бош омили — озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Натижада коллективда соғлом, ижодий муҳит юзага келди. Барча пировард натижа учун астойдил курашаяпти.

Ҳозирги кунда фермада 242 бош сигир парвариш қилинаяпти. Ўтган олти ой мобайнида 1987 йилнинг шу даврига нисбатан 62 тоннадан ортиқ сут топширилди. Бу муваффақиятда мусобақа пешқадамлари Мукарррамхон Аҳмедова, Одинахон Абдуқаҳҳорова, Гулбаҳор Тўраева, Муқаддасхон Нуруллаева каби сигирсоғарларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Хўжаликда сигирлардан бузоқ олиш, моллар наслини яхшилаш, мураббийчилик ҳаракатини кучайтириш юзасидан эришилаётган натижалар ҳам диққатга сазовор. Жумладан ўтган йили ҳар юз бош сигирдан 83 тадан бузоқ олинди. Жорий йилда бу кўрсаткич 95 тага етказилади. Меҳнатсеварлар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишаяпти.

### «ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ»

«Конференция 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш борасида КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифани бажариш мақсадида уй-жой қурилишининг ҳажмлари, суръатларини кескин ошириш ва сифатини яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни маъқуллайди», — дейилади Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси резолюциясида.

Хива шаҳар «Дружба» уй-жой қурилиш кооперативи бунёдкорлари партия даъватига жавобан сидқидил меҳнат қилишаяпти. Улар ўтган олти ой мобайнида ўндан ортиқ уйни фойдаланишга топширдилар. Иноқ коллектив декабрь ойигача 29 квартирани эгаларига топшириш учун мусобақага қизғин тус бермоқда. Муҳим ишда пудратчи ташкилот — «Узагропромстрой»нинг хўжаликлараро механизациялашган 295-кўчма колоннаси қурувчилари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Шаҳар аҳолисини қадимий уйларга ўхшайдиган иморатлар билан таъминлаш ҳам ана шу кооператив аъзолари зиммасига юклатилган. Ҳозир кўпчиликка маъқул бўлаётган уйларнинг еттитаси қурилаяпти.

### «КОММУНИСТ»

(Фарғона области)

Ёзёвон районидаги «Правда» совхозининг Оқолтин қишлоғида жойлашган Островский номли саккиз йиллик мактабда чўлқуварларнинг юздан зиёд фарзанди таълим олади. Бу ерда янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ўқитувчилар бу ишни ўз зиммаларига олиб, 9 та фан кабинети, ошхона ва бошқа қўшимча биноларни сифатли ремонтдан чиқардилар. А. Ўринов, Х. Ўролов, Э. Маликов, М. Раҳимова, М. Ваҳобова, А. Саидов каби муаллимлар алоҳида ҳиммат кўрсатишди.

* * *

Қува район паррандабоқарлари тухум топшириш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажаришган эди. Фидойи меҳнат, илғор иш усуллари кенг қўлланилаётганлиги шарофати туфайли ютуқлар мустаҳкамланмоқда. Ўзаро мусобақада «Москва», «Социализм», Жданов номли, Энгельс номли колхозларнинг паррандабоқарлари пешқадамлик қилишаяпти.

* * *

Риштон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида хайрли ишга қўл урилди. Эски ферма ўрнида озуқа магазини очилди. Энди хўжалик ўз эҳтиёжидан ортиқча беда, сомонни аҳолига арзон нархда сотаяпти. Харидорлар мушкулини осон қилиш мақсадида махсус транспорт ҳам ажратилган.

## ЗАВОД ШИФОХОНАСИ

Фарғонадаги химиявий тола заводининг меҳнатчилари эндиликда Қирғизистондаги Жалолобод шифобахш балчиғи ва Чимён сувидан фойдалана оладилар. Улар заводга қарашли санаторий-профилакторий ҳузуридаги янги сув шифохонасида ванна, душ, массаж ва бошқа физиотерапия процедураларидан фойдаланмоқдалар.

Бу ерда ревматизм ва шунга ўхшаш бошқа касалликлар даволанади. Шифобахш балчиқ ва минерал сув махсус транспортда келтирилади. Химиклар саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилаётган корхона ташаббуси билан цехларда сауна-ҳаммомлар ташкил этилди, завод территориясида спорт зали жиҳозланди.

*Қайта қуриш фидойилари*

# МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАР НИГОҲИ

Касблар, ҳунар жуда кўп, хилма-хил. Бир-биридан қизиқарли, масъулиятли. Ҳар бирининг ўз гашти бор. Касбини ардоқлаган инсон эса элда эътибор топади, ҳурмат қозонади...

Фарғона область ишлаб чиқариш трестига қарашли Тошлоқдаги 75-автокорхонада ҳам ўзининг ҳалол меҳнати, танлаган касбига чексиз садоқати, топширилган ишга ижодий ёндашуви билан коллективнинг олқишига сазовор бўлган кишилар кўп. Ҳайдовчилар бригадасининг бошлиғи Расулжон Рўзибоев ана шундайлар қаторидан муносиб ўрин олган.

— Нега сиз айнан шофёрлик касбини танлагансиз?

Манзилга отланаётган ҳайдовчига берган дастлабки саволимиз шу бўлди.

— Энг аввало отам Турсунбой ака Рўзибоевнинг қарийб 40 йил мобайнида колхозда тракторчи бўлиб ишлаганлиги менинг ёшликдан техникага ихлос қўйишимга сабаб бўлса керак. У ёғини сўрасангиз, отам болалигимизда туғилган кунимизга ёки бошқа байрамларда нуқул бизга ўйинчоқ тракторлар, машиналар совға қилардилар. Жажжи тележкачаларнинг бир нечтасини бирбирига тиркаб, ўртоқларим билан тупроқ, қум ёки шунга ўхшаш майда нарсаларни таширдик, — ҳамсуҳбатимиз шундай деганча болаларга хос самимий кулиб қўйди.

Ана шу ҳавас туфайли у ўрта мактабни тамомлагач, ҳунар-техника билим юртининг автослесарлар тайёрлаш бўлимига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. Расулжон кўп ўйлаб ўтирмай, 1976 йилнинг ўрталарида мазкур автокорхонага слесарь бўлиб ишга келди — йигит учун энди мустақил ҳаёт бошланди.

Ёшларнинг ўзи танлаган касбига бўлган ихлосининг тобора ортиб бориши, унинг сир-асрорларини қай даражада чуқур эгаллаши қандай устозга шогирд тушганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу жиҳатдан олганда Расулжоннинг омади келди. Ҳозирда кексалик гаштини сураётган Қодиржон ака Ёқубов дастлабки кунлардаёқ унинг топширилган ишга бўлган масъулиятини, қийинчиликлар олдида эсанкирамай, иложи борича сўраб ўрганишга интилишини эътиборга олиб, бой тажрибасини унга бажонидил ўргата бошлади.

Ойлар кетидан ойлар ўтди. Ёш йигит юк автомашиналарининг ўз вақтида ва сифатли ремонтдан чиқишига озмикўпми ҳисса қўшаётганлигидан жуда мамнун эди. Уларнинг гараждан гуриллаб чиқиб кетаётганлигини кўрган сари қалбида янги бир ният — кишиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш орзуси тобора қанот ёзаётганлигини фақат ўзи билар эди.

1977 йилнинг май ойида Р. Рўзибоев Совет Армияси сафига чақирилди. У ерда ҳам авторота составида ўз мутахассислиги бўйича ишлади, тажриба орттирди. Хизмат бурчини ўтаб юртига қайтган Расулжон яна жонажон коллективига келиб қўшилди, 1980 йилга қадар слесарлик қилди. «Интилганга толе ёр», дейди халқимиз. Жиддий ҳаёт мактабини ўтаб қайтган Расулжонга кундузи ишлаб, кечқурун ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ўқишни таклиф этишди. 1980 йилнинг январь ойида у 3 класс ҳайдовчиси гувоҳномасини қўлига олишга эришди.

— Дастлабки вақтда «МАЗ-503» маркали юк автомашинасини бошқаришни ишониб топширишди, — дейди суҳбатни давом эттириб ҳайдовчи. — Мен асосан қурилиш юклари — қум, шағал, асфальт ва бошқа халқ хўжалиги юкларини ташиш билан шуғулландим.

Ҳа, нима бўлганда ҳам ҳайдовчилик қилиб, қурувчилар учун зарур бўлган юкларни ўз вақтида пешма-пеш етказиб бериш осон иш эмас, ҳар бир ҳайдовчидан эҳтиёткорлик, мустаҳкам интизом, қолаверса катта масъулият талаб қилади. Слесарликда орттирган катта тажрибаси бу ишда қўл келганлиги тушунарли, албатта, чунки интилувчан Расулжон машинанинг тузилишини ипидан игнасигача яхши билиб олган эди. Лекин у ҳайдовчилик фаолиятининг биринчи куниданоқ тажрибали ҳамкасблари ишини диққат билан кузатиб борди. Ҳозирги кунда ҳам коллективда самарали меҳнат қилиб келаётган Қаҳҳоржон Абдураҳмонов, Мусинжон Холматов ва бошқаларни у ҳақли равишда ўзининг устозлари деб ҳисоблайди. Уларнинг бевосита амалий ёрдамлари, қимматли маслаҳатлари туфайли Расулжон эндиликда катта бир корхонанинг етук, тажрибали, илғор шофёрларидан бири.

Иш кунининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, юк ортиш-тушириш вақтида автомашинанинг бекор туриб қолишини иложи борича камайтириш, йўл-йўлакай юк ортишга катта эътибор бериш натижасида белгиланган смена ва ойлик топшириқларни, олинган социалистик мажбуриятларни мунтазам ортиғи билан адо этиш ҳайдовчи учун одат тусига кириб қолди. Аслини олганда у «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» қабилида иш тутади. Бошқа муҳим омиллар билан бир қаторда бу нарса амалда ўзининг ижобий самараларини бераётганлиги қуйидаги рақамлардан ҳам яққол сезилиб турибди. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар ишда ўрнак ҳайдовчига 1984 йилда автокорхона маъмурияти янги келган КамАЗ-5511 маркали автомашинани ажратиб берди. Бирданига 10 тонна юк ортадиган автомашинада бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлай бошлаган ҳайдовчининг меҳнатда эришган ютуқлари илгаригидан ҳам қувончли бўла бошлади.

1987 йилда Р. Рўзибоев планда кўзда тутилган 21,1 минг тонна ўрнига 28,5 минг тонна қурилиш юкларини белгиланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериб, бу борадаги планни 135,3 процент уддалашга эришди. Юк обороти планининг бажарилиши 141,6 процентни ташкил этди. Ишнинг кўзини билган шофёр ёнилғи-мойлаш материалларини иқтисод қилиб қолишда ҳам ҳамкасбларига намуна кўрсатиб келмоқда. Ўтган йилнинг ўзида у 1.287 литр дизель ёнилғисини тежаб қолганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзингдан ҳам тажрибалироқ ҳайдовчилар билан ишлаб туриб, пешқадам бўлишнинг ўзи бўлмас экан. Бунинг учун ҳамиша изланиш зарур, деган хулосага келди у. Коммунистлар, қолаверса бутун совет халқи ҳаётида муҳим воқеа — Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига у ҳам кўпчилик ишлаб чиқариш илғорлари қатори оширилган социалистик мажбурият олиб, уни шараф билан бажаришга эришди. Шу йилнинг ўтган ярим йили мобайнида 10,9 минг тонна ўрнига 16,1 минг тонна зарур юклар элтиб берилди ёки юк ташиш плани 147,8 процент уддаланди. Кўзда тутилган 472 минг ўрнига 811,1 минг тонна-километр иш бажарилди. Бу планга нисбатан 171,8 процент демакдир. Ўтган вақт давомида 320 литр ёнилғи, кўплаб мойлаш материаллари тежаб қолинди.

Ўз касбини жон-дилдан севган, ишнинг кўзини билган ҳайдовчининг фидокорона меҳнатлари автокорхона маъмуриятининг эътиборидан четда қолмади. 1986 йилда унга ҳайдовчилар бригадасига бошчилик қилиш ишониб топширилди. Бундай ишончдан руҳланган Расулжон коллектив ишончини оқлашга астойдил киришди. Ҳозирги кунда бригадада 27 нафар ҳайдовчи бўлиб, уларга асосан КрАЗ маркали 15 та юк автомашинаси ажратиб берилган. Ҳайдовчилар бир оила аъзоларидек қўлни қўлга бериб, аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар. Шуниси қувончлики, бригада 1987 йилдан бери янги самарали усул — пудрат асосида иш юритмоқда. 5 кишидан иборат бригада кенгаши коллективнинг барча муаммоларини бамаслаҳат ҳал этади. Бригада ҳар йили «Ферганаводстрой» трестига қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармаси, автокорхона маъмурияти билан уч томонлама пудрат шартнома тузиб, унинг барча шартларини тўла бажаришга эришиб келмоқда. Юнус Кенжаев, Анвар Саидов, Мурод Қурбонов, Юнус Қўлдошев каби илғорлар бригада бошлиғидан ўрнак олиб, белгиланган планларни доимо 110—115 процент адо этиб, коллективнинг умумий ютуғига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Рақамлар ана шундан далолат бериб турибди: ўтган йилда юк ташиш плани 123,9 процент, юк обороти плани эса 126,5 процент уддаланди. Бу йилги ютуқлар ҳам чакки эмас.

Шу кунларда Расулжон Рўзибоев ва у раҳбарлик қилаётган бригада азаматлари Фарғона районидаги Мингдон участкасида селга қарши иншоотлар қурилишида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

**Л. МАТКАРИМОВА,**
**«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси пропаганда бўлимининг катта инженери.**



Конимех районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозида қишловга мустаҳкам озуқа базаси яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу муҳим ишга 15 та ўрим механизми, 50 та тележка, 15 та автомашина ва етарли ишчи кучи ажратилган. Жами 30 минг тонна дағал-хашак жамғариш кўзланган. Шу кеча-кундузда социалистик мусобақани қизитаётган озуқакорлар топшириқни яримлатиб қўйишди.

СУРАТДА: республикада хизмат кўрсатган механизатор Саид Пўлатов. У озуқа тайёрлашда фаол қатнашаяпти.

А. ЖДАНОВ фотоси.

## СОЦИОЛОГЛАР КЎМАГИ

Хатирчи районининг раҳбарлари... ўзлари ҳақида объектив маълумотга эга бўлдилар. Бу ерда уларнинг иш услуби ва методлари ҳақида жамоатчилик фикри тўпланди. Махсус анкета саволларига жавоб берган қишлоқ аҳли раҳбарлар шаънига кўпгина жиддий ва адолатли эътирозларни билдирди. Уларни бартараф этиш ишга ёрдам беради.

Бундай савол-жавобни Хатирчи район партия комитети ҳузурида ташкил этилган социология тадқиқотлари кенгаши уюштирди. Кенгаш жамоатчилик асосида иш олиб бораётган бўлиб, бу борада қўйилган дастлабки қадамларнинг далолат беришича, партия органлари ва маҳаллий Советлар фаолиятини яхшилаш учун ғоят фойдали бўлиши мумкин.

## ПУДРАТ ТАШАББУСГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формалари ривожлантирилиши туфайли Мирзааҳмедов номли қўриқ совхоз (Андижон области) ерлари ўзгариб кетди.

Мисол учун Ҳасанбой Камолов оилавий пудратчи звеносини олиб кўрайлик. Звено 14 гектар ерда ғўза ўстирмоқда: ғўза тупларида ҳосил тугунчалари жуда кўп. Пайкалларда бегона ўт йўқ. Звено аъзолари ҳар гектар ердан планда белгиланганидан 11 центнер кўп — 40 центнер пахта йиғиб-териб олишга аҳд қилдилар.

Пахтазор ёнидаги ўн бир гектарлик пайкалда тарвуз ва қовун етилмоқда. Чўлқуварлар ҳар гектардан 275 центнер қовун ва тарвуз олишни мўлжалламоқдалар. Бу ҳам пландагидан анча ортиқ. Полиз атрофига супурги экилган. Звено уни боғлаб сотишдан 2 минг сўм фойда олишни кўзда тутаяпти. Қовун ва тарвуз оралиғига эса ловия экилган.

Шунинг ўзигина эмас. Коллектив ғоз ва балиқ етиштирмоқда, канал четларига эса ошқовоқ экишган. Мустақиллик ва манфаатдорлик ташаббусга йўл очди, пудратчи звенолар хўжалик фаолияти чегараларини анча кенгайтирдилар.

## ИШЧИЛАР ТАВСИЯСИ БИЛАН

Қўрғонтепа йигирув-тўқимачилик бирлашмаси филиали — Ёрқишлоқ тўқимачилик фабрикасида техника контроли бўлими мутахассислари билан саралаш цехи ишчилари ягона коллективга бирлашдилар.

— Бу энг яхши ишчиларимизнинг тавсиясини жорий этиш натижасидир, — деди фабрика директори А. Ҳошимов. — Катта контролёр Шарофатхон Тошматова ва контролёр Анисахон Каримова бу икки бўлинмани бирлаштиришни таклиф қилишди, чунки бу бўлинмалар ўртасида доим жанжал чиқиб турарди. Назоратчилар маҳсулот сифатли бўлишини талаб қилишарди-ю, сифатни таъминлашда ўзлари қатнашмас эдилар. Эндиликда улар газламани саралашда фаол ёрдам бермоқдалар.

Саралаш ва техника контроли бўлими коллективи янги шароитда тайёр маҳсулотга талабни оширди. Юлдуз Умматқулова, Санобар Нишонова, Нигора Жумабоева, Фотима Ўринбоева фақат биринчи сорт маҳсулотни ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг ғайрати ва назоратчилар ёрдами билан ярим йил ичида газламанинг 89 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Ишчиларнинг бошқа бир тавсияси ремонт хизматини яхшилашга, бинобарин маҳсулот сифатини оширишга ёрдам берди. Ремонтчи слесарлар Ботир Нишонов билан Жабборали Ҳошимов хизмат структурасини ўзгартиришни таклиф қилдилар. Илгари ремонтчи мутахассислар фабриканинг ҳамма цехларида профилактика ишларини ўтказар эдилар, энди эса тўқимачилик комплектларига доимий хизмат қилиш учун икки кишидан ажратилди. Комплектларнинг доимий «хўжайини» бор, энди улардан сифатни талаб қилиш мумкин. Шу сабабли сифат яхшиланиб, ускуналарнинг бекор туриши камаймоқда, ремонтчилар сони ҳам қисқартирилди.

Фабрика биринчи ярим йиллик программасини ортиғи билан бажариб, планга қўшимча 800 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилди.

# ПОДАЛАР НЕГА СИЙРАКЛАШАЯПТИ?

## САМАРҚАНД ОБЛАСТИДА ҚОРАМОЛЛАР СОНИ ҚИСҚАРИБ БОРАЯПТИ

Самарқандлик чорвадорлар область кенгашида қабул қилган мажбуриятларида қорамоллар бош сонини 145 бошга кўпайтиришлари керак. Ҳа, атиги 145 бошга!

Хулоса қилишга шошилмайлик. Мавжуд аҳволда ана шу мажбуриятнинг ўзи ҳам осон эмас. Кейинги йилларда моллардан насл олиш бўйича кўрсаткич жуда кескин пасайиб кетди. Чунончи кейинги тўрт йил мобайнида подада моллар 14.570 бошга қисқарди, бу бутун бошли бир район чорваси билан тенг.

Хўш, область колхозлари ва совхозларида нималар рўй бераяпти?

Моллар қисқарувини асосан туберкулёз ва бруцеллёз касалликлари билан изоҳлашаяпти. Ажабо, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти жойлашган, шу соҳада етарли шохобчага эга бўлган областда аҳволнинг шу даражага борганлиги ҳайрат туғдиради. Илмий даргоҳ ва хизмат жабҳаси нима иш билан шуғулланаяпти? Наҳотки улар молларга туберкулёз ёпишгунча томошабин бўлиб турсалар?

Молларнинг касалланганлиги ҳақидаги илк хабарлар бундан уч-тўрт йил муқаддам кела бошлади. Масалан, кекса ветеранлардан бири Н. И. Килязев шундай ёзади: «Мени ветврачликка юборишган «Булунғур» совхозида соғин сигирларнинг 40 фоизи туберкулёзга мойил эканлигини текшириш кўрсатди. Очиғи, чора кўриш ўрнига юқоридаги фактни қайтадан текширишга киришдик, шу зайлда бебаҳо фурсатни қўлдан бой бердик. Мен ўзим бирор чора кўра олмасдим, чунки касаллик расман эътироф этилмаган, карантин ҳақида сўз бўлиши мумкин эмасди. Халқ депутатлари район Совети ижроия комитетига мурожаат қилдим, заррача эътибор беришмади. Охир-оқибатда бу ишлар мени лавозимдан бўшатиш билан якунланди...»

Хат бошдан-оёқ ана шундай руҳда ёзилган. Килязев аччиқ устида Наманганга кетворди, лекин бир йил ўтгач қайтиб келди, чунки ярим умри Самарқандда ўтганди. Қайтиб келгач кўп вақт ишга жойлашолмай юрди.

Буни қаранг-а. Мутахассиснинг ташвишли ахборотидан ўз вақтида хулоса чиқаришмади, бунинг устига у биринчи хабар берувчи эмасди.

Лоқайдлик ва масъулиятсизлик оқибатида туберкулёзни ўтказиб юборишди. Бу ҳолни область партия комитети эътибордан соқит қилмади — уни 1987 йилнинг август ойида бўлган бюро мажлисида кўриб чиқди. Чидаб бўлмас мисоллар келтирилди. Мана, улардан баъзилари.

Ўтган йили моллар 70 процент туберкулёзга чалинган «Даҳбед» совхози сут комплекси ёпиб қўйилди. Сигирлар бир неча йил илгари бруцеллёз билан касаллангандан кейингина шундай бўлди. Демак, ҳеч қандай хулоса қилинмаган.

1985 йилдан бошлаб ўша Килязев ишлаган «Булунғур» совхози ҳам бруцеллёз ва туберкулёз бўйича ташвишли жой ҳисобланган. Ёки яна бир мисол: областнинг 54 та хўжалигидан сўйишга олиб келинган моллар касал чиққан, карантин эса атиги 10 та колхоз ва совхозда қўлланилган. Буни қандай тушунса бўлади?

Бюро мажлиси кўриб чиққан материалларда бир-биридан ташвишли бошқа мисоллар ҳам бор. Хўш, обком бюроси қандай қарор қабул қилди? Ветеринария бўлимининг собиқ бошлиғи Э. Р. Ҳамидов область агросаноат комитетида олдиндан вазифасидан бўшатилгач, бюрода қаттиқ ҳайфсан билан чегараланишди.

Бундан кейинги гаплар янада ғалати. Ушбу сатрларга эътибор беринг: «Хизмат вазифасига масъулиятсизларча муносабатда бўлганлиги, лабораторияда диагностика ишларини суст йўлга қўйганлиги, область хўжаликларида бруцеллез ва туберкулёзнинг олдини олиш юзасидан чора кўрмаганлиги, область ветеринария лабораторияларига қониқарсиз раҳбарлик қилганлги учун область ветеринария лабораторияси директори, КПСС аъзоси М. Эгамқуловга ҳайфсан эълон қилинсин». Қаранг-а, қават-қават айблар учун шунчаки ҳайфсан! Биргина «...ишларни суст йўлга қўйганлиги ва қониқарсиз раҳбарлик қилганлиги учун» деган таърифгаёқ уни вазифасидан олиб ташлаш мумкин эди.

Каттагина олимлар отрядига бош бўлган Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти директори Т. Боймуродовга шунчаки кўрсатиб қўйилганлиги таажжубланарли. Бутун область шунча зиён кўрган ва у давом этаётган бир пайтда «кўрсатиб қўйиш»нинг ўзи кифоямикан? Область партия комитети бюроси аъзоларининг муросасозларча муносабатини қандай тушуниш мумкин? Масала ўта жиддий, унга қатъий партиявий баҳо берилиши лозим эди.

Самарқанд хўжаликлари бугунги кунда ҳам туберкулёздан азоб чекишаяпти. Подаларни тўрт йил олдинги ҳолатга келтириш ўз-ўзидан бўлмайди.

Лекин моллар бошқа сабабларга кўра ҳам сийраклашиб бормоқда. Кимлардир касалликдан ниқоб сифатида фойдаланмоқдалар. Область агросаноат комитетининг чорвачилик бўлими ишни аниқ, самарали технология асосида йўлга қўя олмаганлиги туфайли тармоқда тартиб ўрнатолмаяпти. Моллар бош сонини режа асосида муттасил кўпайтириш камдан-кам хўжаликларда кузатилади. Кўпинча бу ҳол мароми бузилади — бир қарасангиз қуйига тушган, бир қарасангиз тепага кўтарилган.

Каттақўрғон чорвачилик комплекси коллективи бўрдоқичиликни ривожлантириш борасида бутун мамлакатга машҳур. Бу ерда моллар жадал семираяпти, гўшт етиштириш арзонга тушмоқда. Кўрсаткичлар йилнинг қандай келишига қарамай ўсиб бормоқда.

Яқин вақтларда ҳам бу ерда ҳар молнинг ўртача вазни 400 килограммга етказилгандек эди. Ҳозир бу босиб ўтилган кўрсаткич. Комплекс 500 килограммлик марраны забт этган, энди мўлжал 600 килограммга. Бунинг учун яна икки йил, уч йил керак бўладими, бирор нарса дейиш қийин, лекин бу рақам эгалланишига шубҳа йўқ. Чунки комплекс директори, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Рубен Жангирович Агабабяннинг айтишича, бу ерда аниқ технология йўлга қўйилган, узилиш бўлиши мумкин эмас.

Хўш, бошқаларнинг муваффақиятли ишлашига ким халақит бераяпти? Комплекс ва область хўжаликлари кўрсаткичларида фарқ нега ер билан осмонча?

Мен Самарқанд ва Каттақўрғон гўшт комбинатлари директорлари ўтган йили етарли даражада семиртирилмаган моллар қайси хўжалик ҳамда районлардан келтирилганлиги ҳақида маълумот беришни сўрадим.

Нималар маълум бўлди денг? Энг оддий сарҳисобларга кўра Самарқанд гўшт комбинатига ўртача вазни 280 килограмм бўлган 5.350 бош мол келтирилибди. Агар шу жониворларни 400 килограммга семиртиришганда нима бўларди? Ўшанда 1.600 тонна гўшт қўшилган ва 4 минг бошдан кўп қорамол тежалган бўларди. Мана резервлар қаерда. Уларнинг ўртача тирик вазнини 500 килограммга етказишса-чи? Ахир ана шу марраны каттақўрғонликлар қувиб ўтишди-ку.

Оқдарё ва Иштихон районларининг бўрдоқибоқарлари молларнинг бир қисмини 97—99 килограмм оғирликда топширдилар. Советобод районидаги «Улус» совхози топширган моллар бундан ҳам ориқ эди. Шу райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан келтирилган 60 бош жониворнинг ҳар бири бор-йўғи 21,4 килограмм тош босди. Энди туғилган бузоқлар ҳам шунча келар.

Нималар бўлаяпти ўзи? Молларнинг янги «пакана» навини жорий этишдими? Паст Дарғомдаги Ильич номли совхоз ўтган йили ҳар бири 100,9 килограмм вазнли 26.313 бош чўчқа топширган. Советобод районидаги «Қарнаб» совхозида эса қўйларнинг тирик вазни 40—45 килограммга етган — бу қўшни «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидаги моллардан икки баравар оғир.

Гўшт йўналишидаги чорвачиликда тартиб йўқ. Гап бу ерда молларнинг касалланганида эмас. Туберкулёзгача ҳам тартиб бўлмаганди. Касаллик ҳақида гапириладиган бўлса, у энг қулай шароитда тарқалди.

Наҳотки тартиб ўрнатиш қийин? Назаримизда рўй берган аҳволга ҳеч ким етарли даражада жавоб бермаётганлиги туфайли шундай бўлаяпти. Ўтган ишга салавот деган кайфиятнинг оқибати бу. Нари борса у курсидан бу курсига ўтказиб қўйишар, деб ўйлайдилар.

Бундай иш услуби қандай оқибатга олиб келганини кўриб турибмиз. Юқорида таъкидланган аянчли аҳвол, жиддий нуқсонларни Самарқанд область партия комитетининг ўзи очиб ташлагани диққатга сазовор. Энди нима бўларкин? Эҳтимол мазкур саволга область агросаноат комитетидаги ўртоқлар жавоб беришар?

**В. КАРИМОВ.**

